

Сўз санъатининг хар бир катта-кичик намунаси унда жозиба конунлари, талабларининг кай даражада уддаланганлиги ва адо этилганлиги билан баҳоланади. Комил асарга тўгри интилиш-адибликнинг хаёт-мамот бурчи... Баркамол ижод-доимо орзулар ичра энг безовта, энг олий орзу. Шу сермашаккат йўлда бир яккол талаб-асар сюжети ибтидосидан бошлаб кизиктириш хамда таъсирлантиришнинг кучланиб бориши ва нихоят тақдим этиладиган ошкор ёхуд ноошкор интихолардир. Сўз санъати машкининг, маҳсулининг чинакам хаёти мутолаадан сўнг бошланади. Унинг таъсир даражаси, умрий мезонию мансублик микёси сўнгги тасвир билан хайрлашувдан кейингина тугал хисланади, белгиланади. Ана шу сониянинг ўкувчи руҳига ногахоний безовталик, хижолатомуз уйгоклик, зукко нуктаи назар, яшовчан бир мадад олиб кирмоги ижодкорларнинг оромбахш ва дардчил армонидир.

Ўзбек насрода микдорий жихатдан илгор жанрлардан бўлган киссачилик хам бу мўъжизакор, азалий — абадий окибатни тез-тез ёдга тушириб туради. «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» сингари журнallарнинг деярли хеч бир сонини илк бор чикаётган киссасиз тасаввур кила олмайсиз. Яна хилма-хил нашрларга дуч келасиз. Муаллифлар хам хар хил: бошловчи ёки аллакачон бошлаган, халкка маълум ёки муайян жойда танилган ёзувчилар.

Киссалар кўп, лекин мавзулар, муаммолар тасвири, натижалар, муносабатлар кандай? Бу асарларнинг адабий мухитдаги, ёзувчилар ижодидаги ўрни нечоглик? Танкидчиликнинг талай асарларни «назари илмай», уларга бепарво каратпи, аслида, ўринли баҳо-жавобми?.. Барча киссалар ва улар билан boglik адабий ахволни камраб олиш даъвосини килмайдиган эндиғи мулоҳазаларимиз шу хакдадир.

Хамма замонларнинг у ёки бу даражада эришган адабий ютуклари турфа ва бетакрор бўлгани сингари камчиликлар, кусурлар, ўртамиёналик хам хадеб бир хил, айнан содир бўлмайди. Айни чокда анъанавийлик илгор йўналишлардагина эмас, хар кандай маҳдудликда учрайди. Шу боис бадиий асар халол, катъий, холисона ва аммо ўзига хос танкиднинг муносабатини хамиша такозо этади. Шу маънода асло «бир нарса» демаслик кўпинча адабий танкиднинг эринчоклиги, ялковлигигина эмас, зарур ва хак гапни айтмокка журъатсизлиги хамдир. Колаверса, ўз одил фикрини айтиш билан ижодни, жараённи тўгри фаоллаштириш — унинг мухим вазифаларидан бири. Асарнинг адабий танқдлдан-да юксак мезбони—бу илгор тафаккурли халкимиз. Унгагина холис хулосалар чиқариш дархол ва хар вакт насиб бўлади. Танкидчи минглаб-миллионлаб ўкувчилар номидан айта олмоги, доимо айтиши керак.

Киссада хам муваффакият ўлчови асарнинг гоявий-бадиий шаклланиши мобайнида вужудга келадиган хиссага, хиссаларнинг жозиба кучига boglik. Киссанинг хам алкиссаси «осмондан» тушмайди. У шунчаки нихоя, якун деган гап эмас. У асарда тугилиши, яшashi, камолот нуктасига етиши, пировардида элга хизмат килиши зарур. Ижоднинг муаллиф ва ўкувчилар орзу киладиган койилмакомлигини хам, табиийки, асар ёзиш илхоми хамда захматининг барча-барча интизом, конуниятларини камраб олувлchi ходиса—услуб, услугнинг кучи ва кодирлиги таъминлайди. Услубий хосликлар туфайли

бу жараённинг ранг-баранг имкониятлари, кўринишлари юзага чикади.

«Кўнгул озодадур...» киссаси Хайриддин Султонов ижодининг бир пайтлар янги, иктидорига муносиб сўзи бўлган эди. Асар кизгин хаяжон, безовталиқ билан ўкилади. Фикру зикри, фаолияти, бор ташвиши, ишкий кечинмаси, хулласки, бутун кисмати Мухаммад Шариф Гулханий ва унинг «Зарбулмасал»и билан чамбарчас bogланиб кетган Гулом — замондошимиз. Ишончли киёфани тасаввуримизга жо килади. Уни локайд кузатиб бўлмайди. Гуломнинг самимий фикрлаш, мушохадалаш тарзи бор. Унинг кечинмалари, саргузаштлари баёни оркали жамиятимизнинг турли иллатлари, турли нокаслари ўкувчи кўз ўнгидан ўтади. Мазкур воеалар хам зарбулмасалдек, Гулом умрининг киссаси ичра яна талай ибратли киссалар, масаллар, теран ўгитлар мавжуддек. Интихолар Гулханийнинг бокий хикмат хамда алкиссалари билан уйгунликда намоён бўлади. Гуломнинг окила киз Кундузга мухаббати, кизнинг бадном килиниши, нобуд бўлиши, йигитнинг оиласи бўлиш хусусидаги ўйи бир бўлиб классик шоир асари мазмунининг бош риштасига, «Гулханий—тарихан чекланган» дегувчи Эшмухамедов (Гуломнинг домласи). Роҳибар ва Муовин (Гулом хизмат киладиган илм маскани бошликлари), Шодиёр билан Сафарбой (бойвачча, майшатпаст талабалар) сингари персонажлар «Зарбулмасал» мажозий образларининг хусусиятларига мантикан bogланиб кетади.

«Мухаммад Шарифдан айру тушсам, хаётим бенихоя бефайз, бенихоя нурсиз бўлиб коларди», дейди ўттиз тўккизинчи ижараси хам омонатлашган Гулом «аразлаган» Гулханий хакида. Ижарасига янги хамхона келиб, уй торайса-да, кўнгли кенг эканини, жамики туярлари жойлашиши мумкинлигини ялиниб айтиб, мавлоно шоирни колишга кўндиради. Факирона кун кечираётган захматкаш, покдомон, хаёлпаст бosh каҳрамоннинг ўзидан икки аср илгари яшаган оташнафас шоир масалнавис билан ажиб хангомалари, бахс-мунозаралари, gox ўз сўзидан уялиб, таксирига узроҳохликлар билдириши унинг характеристига табиий маъни беради. Улар «мехр-оқибати» замонавий воеалар тасвирининг, Гулханий ижодий жамлаган халк донишмандлиги намуналарининг моҳиятини чукур хис килдиради.

Киссада маромига етмаган, аммо унинг жозиба кучига жидаий путур етказмаган жихатлар хам мавжуд. Жумладан, бosh каҳрамон баёни оркали гавдалантирилаётган Гулом — Кундуз севгиси, кизнинг ўлими эпизодлари чукурлаштирилиши, мангу айрилик дарди тасвири Гулом характеристида мухим белгилардан бири бўлиб туриши даркор эди. Демакки, Гулом янада кизгин образ, унинг ўз такдири зарбулмасалининг гоявий-эстетик кучи эса бундан хам таъсирчан бўлар эди.

Хайриддиннинг киссаси услуби «жамият иронияси», «тарихий ирония» (Гегель) каби ибораларни беихтиёр эслатади (Эркин Аъзамов!шнг «Отойининг тугилган йили», «Байрамдан бошка кунлар» асарлари хам шундай). Унда асосий каҳрамоннинг характер, фаолият тарзи бир карашда хазил-мутойиба, киноя-пичинг, истехзо-кесатиклар билан йўғрилгандек кўринади. Аммо ўкувчи бу хаёт, дунёкараш, фазилатлар йўлида жидлий укубатлар, кабохатлар тўсик бўлиб турганини сеза боради. Мутойиба замиридаги маҳзун рухни англайди. Шунинг учун Гуломнинг фожиаси хозирги жамият типик иллатларининг мудхиш табиий мисоли бўлиб кўринади.

Замонанинг жиддий ижтимоий, маънавий-ахлокий масалаларига теран ва халол бадиий муносабати Эркин Аъзамовни халкимизга яхши танитган. Ёзувчининг асарлари даврдошларимизнинг хилма-хил характер манзаралари яратилган сюжетларни ўзида мужассам этган. Муаммо хамда зиддиятларни кузатишдаги сергаклик, улар мохияти ва ечимини белгилашдаги адолатлилик, манзур услуб, усууллардаги маҳоратлилик ижодининг гоявий-бадиий кимматини таъминлаб турибди.

Кейинги йилларда адабиётимизнинг услубий рангинлигини негадир етарли тадқик килмаяпмиз. Ваҳолангки, бутун бир ижод ёки китоб анализи асосида шу масала туриши керак. Зоро, адабий жараённинг хамма холатлари, тушунчалари услубга бевосита даҳлдор. У, аввало, мантикий, сўнг шаклий ходиса. Усиз адабнинг ижодий ўзлиги (ўзлигининг ривожи), асари(асарининг мавкеи) тўгри баҳоланмайди. Услуб асарма-исар шаклланмоги, бойимоги, ўзгармоги, янгиланмоги ёхуд ижодий умр бўйи бир маромда колмоги мумкин.

Эркин Аъзамов ўзига хос овозга тез, «Кўк эшик» (1974) каби дастлабки хикояларидаёк эга бўлди. Бадиий тафаккур йўсини ва ифода манерасининг марокли, серилхом эканини, айникса, «Отойининг тугилган йили» (1977) киссасида намоён этди.

«Байрамдан бошқа кунлар» киссаси ўша таникли, етакчи услубига хосдир. У айни пайтда «Отойининг тугилган йили» («Шартакилик киссаси»)га кайтишдек (улгайиб кайтишдек), образлар рухияти ва нуктаи назар тадрижига кўра унинг мантикий давомидек (оригинал харакатдаги давомидек) ўкилади.

Киссанавис олдиндан таъкидлаб кўядики, «Байрамдан бошқа кунлар» шу кеча-кундузнинг учувчиликни орзулаб, лекин ерда колиб кетган бир йигити, унинг талай саргузаштлари хусусидадир. Лекин саргузаштлар айни сўзнинг етакчи маъносидаги шов-шувли ходисаю тасодифлар тафсилоти эмас, балки хаётимизнинг улардан колишмас ташвишли, изтиробли, шарофратли, хаяжонли лавхалари.

Кисса кунимизнинг социал, майший, маънавий ташвиш-дардларидан баҳс этиб, муаллифнинг гоявий максадларини рўёбга чикара олган образларга бой. Жами воеалар автобус хайдовчиси Бакир атрофида, иштирокида бўлиб ўтади. У мустакил хаётга кадам кўяди. Хозирги хакгўй, фикри пок, нияти бегараз хар инсон дуч келиши мукаррар бўлган сирти сирли, фусункор, ичи алдок, хиёнат, харомхўр, беокибат оламга кириб колади.

Номуносиб мухитнинг кирдикорлари тасвири сюжетда мухим йўналишни ташкил килади. Кўплаб эпизодлар, хатти-харакатлар шу жихатдан кескин аниклик—умумий холатларни ифодаловчи намунавий яхлитлик касб этган. Бу турмуш сохибларининг кайфиятларида локайдлик, эгоизм, майшатхўрлик, манфаатпарастлик хаёли хукм суради. Бу тоифа кишиларнинг уйларида, юрган йўлларида кунда байрам, кунда тантана.

Ана шу картинани Бакирнинг самимий мушоҳада-мунозаралари оркали хам таъсирчан тасаввур этамиз. Айтса бўладики, маккор мухитнинг бадиий таҳлили Бакирнинг Баргода билан илк учрашувидан бошланади. Бекиёс гўзал киз йигитга орзусидаги хаёт тимсоли, жозибадор келажакнинг вакиласи, шунинг учун «баланд дор»дек туюлса-да, унга

етишмоги осон кўчади: олдин рад жавоби берган киз тамон ташаббус кўрсатиб колади.

Бакир хотин томоннинг уруглари, дўст-ёронлари муносабатида ясама киборлик, омонатлик, даҳшатли бепарволик борлигини сеза боради. Кайнинглиси Басира, «енгилтагу кибр-хаволи» Сафурада миллий фазилатлардан айнишни, хаёсизликни кўради. Ўзи — хуснда тенгсиз Баргидасига шунчаки эр. Чунки ўртада «куёв»нинг борлигини хисобга хам олмовчи Жордес «коработир» юради. Колаверса, бир ёнда ўйнашпарааст Муфтиллаю Акобир Мирзаевич («зар бува»), бир ёнда бешарм аёллару бегамкалб Баргидаси... Улар жамиятнинг покиза иқдимидан айрича яшамайди, балки бари кўшилиб олам ичра бир тубан оламни хосил килади. Шу боис Бакир бир-бирини танимайдиган Зокир поччаси билан божаси Чиннибеклар хулк-атворида ботиний умумийликлар топади. Узлуксиз байрамларнинг бирида бу оломоннинг тўклика шўхлигини, худбинлиги ва риёкорлигини, инсофсизлиги ва диёнатсизлигини кузатар экан, кийналади. «...Йўк, Бакир билган шахар фукароси эмас булар, бошка, бошка аллакаёқдан офат мисол ёғилиб келган...»

Бу —мудхиш маънавий талофатни кўриб, ишонгиси келмайдиган ахволда колган, мохиятнинг ўзгачарок бўлишига хам рози бўлиб, хайратини алдай олмаётган холис кўнгилнинг эътирофи. Бу—кабих манзарани ёлгон идроклаш билан мавжуд хакикатни таъсирчан тасвирилаш санъати. Шу тарика «там-там» нусхаларнинг, «кунда-шунда»ларнинг умумлашма образи чизилади. Миллий ифтихор туйгусидан бенасиб, халкнинг обрўйига дод тўдалар кўз олдингизга келади. «Булар хамма нарсага бепарво, хамма нарсага ёвузона шубха билан карайди, хеч бир миллатни, хеч бир эътиқодни тан олмайди. Булар— насл-насаби бетайин, миллати куйка харомзодалар... Буларнинг ягона эътиқоди, ягона худоси — бугун, бугун, бугун, ўзим, ўзим, ўглим... Жордеслар, анрилар, сюзаннлар...»

Бакир теграсидагиларнинг одат, килик , аъмолларини гуур ва виждон мезонидан ўткаради. Идроки, баҳолари китобхонга маъкул келади. Тубанлик тузогидан кутилиш душворлигининг тасвири қаҳрамон киёфасини жонли, ишончли гавдалантирган: кочай деса, «байрам ахли мафтункор тикилган» барносини кўзи киймайди, шу кадар чиройлининг кайта насиб этмаслигидан кўркади; баъзан ўзини кандайдир фитначилар тўдасига тушиб колган, ўйиндан чикишнинг эса конуни беомондек туюлади. Ўзга бир мухим сабаб — катта пул карз олганлиги. Уккибоев деган каллоб автобусининг кассасидан карз топиб, ишини "судга оширганда" бошка «Уккибоев»—божаси Чиннибек зўрга мигилган тўрт минг билан уни «куткариб колган».

Автор мавкеининг оқилоналиги Сафура образини яратишда кам бўртиб кўринади. Айникса, унинг ўз тилидан изтиробга тўла ички дунёси очилади. Майшатпарасглик авж олган, номусни топтаб-топтатиб юришлик эркинлик саналган давраларда бадномлар хам, бадном этганлар хам хор бўлади ё нафратга колади. Сафура такдирининг энг зарур жозиб гояси шу.

Сафура нуткида ажнабий сўзлар коришмасининг тез-тез ишлатилиши ёки Бакир томонидан ушбу холнинг эсланишлари, воеалар мобайнида гоҳ-гоҳ бекатлар номларининг эълон килиниши, чинакам байрамда («аллакандай мамлакатнинг ва

Бакирнинг миллий мустакилликка эришган куни» ва китобхоннинг хам байрамида) автобуснинг гўё канот чикариб учокка айланиши гоявий-бадиий тахлилга жило бериб турибди.

Э. Аъзамов кўпинча ифода тарзидаги мавзуга мос дардчил шўхчанлик, умумийни намойиш килишга муносаб аниклик, мураккаб туйгу кўзговчи соддалик, кутилмаган хulosали одатийлик тасвири туфайли муваффакиятга эришади. Кўринадики, бунда ирония ўзига хос миллий ва тамоман ўзини оклаган. Зеро, давр ва калб манзаралариға зийрак карамок, мохияту муаммони теран англамок, халол ва баркарор фикрлар айтмок иктидорнинг яшовчанигини таъминлайди. Шундагина ижод маҳсули ўй-хисларни поклаб, кайга куриб яшайверади, шундагина шуурларда асл байрамлар мўл бўлади.

Жамият ривожига тўскинлик килувчи кусурларга муросасш бадиий муносабат билдириш илгор адабиётга мудом хос бўлган. Турмуш тарзимизнинг жадал тараккиётига монелик кўрсатаётган иллатларни баралла фош этувчи асарлар яратиш муаммоси ёзувчилар олдига гоят актуал вазифалар юклаб келади. Давр хамиша адиблар ва адабиётшунослардан туб бурилишлар ходисаларини чукур идрок этишни, хаёт хакикатлариға тик, дадил карашни талаб этади.

Ўзбек адабиётининг кейинги йилларда яратилган ўнлаб киссалари қаҳрамонлари эл-юртимизда рўй берәётган халокатли ходисаларга ва нуксонларга карши чикадилар, уларни бартараф этиш гоясини илгари сурадилар. Бирок муаллифлар кўпинча масалани батафсил, санъаткорона, чукур пафос билан ёрита олмайдилар.

Кўп йиллар бурун нисбатан бахслирок ўкилган бир кисса «Кора дўлана» бўлган эди. Унинг муваффакиятли жихатларини тан олмок керак. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг давра сухбатида адабиётшунос Р. Кўчкоров профессор О. Тогаевнинг кисса хусусидаги фикрлариға хакли эътиroz билдириб, асар камчиликларшш, асосан, тўгри кўрсатади. Омон Матжоннинг фикрича эса, «...ёшларнинг кишлоклардан шахарга, марказга бориши кўпроқ сезилаёттир. Бу асар шахарда кишилар ўз киёфаларини саклаш учун кишлокдагидан ўзгача, алохида мухитда курашиши кераклиги хакидаги огох киссадир».

Адабиётнинг бу йўналишдаги огохига маънавий эҳтиёж хаёли туркман адиби Тиркиш Жумагелдиевнинг «Кочиш» номли романини эслатади: кишлок хўжалиги, хусусан, пахта ишининг баъзи жойларда фожиали меҳнатга айланганидан, зада бўлган кизларнинг шахарда паноҳ излашидан, шахарда хам уларни мураккаб мухит кутиб турганидан келиб чикувчи гоялар, бадиий ечим—огохлик калбимизда узок, беором яшаб колади.

«Кора дўлана» киссаси воеалари кишлокда бошланиб, асосан, шахарда кечади. Табиатнинг сулув гўшасида содир бўлган завкли ишкий адашув гавжум Тошкентда яшаётган айрим кишилардаги имонсизлик, мешчанлик, ёвузлик куршовида тобора мудхишлишиб боради. Театр ва рассомчилик институти студенти, артист-отарчи Нурбек Ширинни алдаб кетади. Йигит бу кизга конуний уйланишни, кишлогига кайтишни эп кўрмайди. У «жаннатдай хаётни тасаввур» этади, «такир ерга тушган уругдай кўкармай» колишдан кўркади.

Унингча, «кудратли одамларга кишлок торлик килади». Нурбекнинг омади юришаётган кезда номуси поймол этилган кизнинг уни кидириб топиб келиши ортикча бўлади. Шундан сўнг воеалар окими тезлашади.

Ёзувчи содда, бокира Ширинни илк лавхаларда анча ёркин ифодалайди. Аммо характернинг ўзгаришларини, унда бошланган кийинчиликнинг аломатларини чукур драматизми билан оча олмайди. Канча каллобликларга дуч келмасин, кизда Нурбек садокатига ишончсизлик ўйгонмайди. Вахолангки, шубха—инсоннинг (айникса Шириндаги вазиятнинг) энг тез, ларзакор вужудга келувчи туйгуси эди. Киз изтиробга тушмайди. Помоён бўлиши табиий бўлган энг мураккаб вазиятларни (чунончи, хомиладорликнинг аён бўлиши, хомилани олдириш харакати, такрор-такрор алданишдаги кечинмаларни) ёзувчи «ўнгина баён килиб кўя колади. Шириннинг Нурбекка муносабати зиддиятли тус олмаганидек (гарчанд шундай бўлмоги лозим бўлса-да), меҳр-мухаббатга хам тўлик эмас. Киз гўё ўз кўргуликларига локайд ва бепарво. Мавжуд тасвирдан унинг ахволи аянчли кўринмайди, Рухиятнинг манзарасини тасаввур эттиришдаги сусткашлик бекарор Нурбек киёфаси тасвирида хам бор. Ширин шахарга келгач, дастлаб учраган одам —бетамиз милиционер Саййдалимнинг Нурбек хийласи муносабати билан киссада тагин пайдо бўлиши сунъийдир. Нурбекнинг Ширинни «айб» устида кўлга тушириш учун уринишларига, хотини Муборакнинг хиёнатига ўхшаш воеалар зўраки тезлашади. Шу тарика мухим йўналиш изчиллигидаги узилишлар, зарур ички олам холатлари тасвирига эътиборсизлик, булар ўрнига воеаларни калаштириш бадиий ечим таъсир кувватини сусайтиради. Тўгри, ўкувчи бошдан-охир мавзунинг ахамиятини, муаллифнинг дадиллигини, маҳоратини фахмлаб туради. Образлар хаётий асоснинг калбаки эмаслигига, бундайин нурбеклар, эшим зўрлар, амруллолар, назар пишиклар, мубораклар, хамидалар хаётимизда кўплигага шубха килмайди. Лекин ўкувчи уларнинг жамиятимиз моддий-маънавий фаровонлигига етказаётган ситамларини бутун даҳшати билан хис килмайди, ларзага келмайди. Хаяжони, безовталиги, нафрат хисси узок дамларга чўзилмайди. Йўқса, дунёда хирсини кондирмок истаган нобакор отанинг ўз кизига рўпара келиши мисол кабих фожиа бўлмаса керак!

Бир пайтлар Чингиз Айтматов ёзган эдики, мабодо асар китобхон калбини хаяжонга сололмаса, унинг яхшилик ва ёмонлик тўгрисидаги фикрини ўткирлаштира олмаса, унда кандай ўта фойдали, ўта мухим фикрлар изхор этилмасин, хали бу санъат эмас. Негаки «жахон жозиба (тортув) конунини менсимаслик мумкин бўлмагани каби санъатнинг бу конунини хам назар-писанд этмаслик мумкин эмас...».

«Оқдарё-Корадарё...» (Орзикул Эргашев), «Кора гурух» (Фарида Коракулова), «Сурнай наволари» (Рахимжон Отаев), «Чоррахада колган бола» (Алишер Максумов) ва бошка талай киссаларни ўкиганда шахсан ўзим коникиш хиссини туймадим. Бунинг сабабларини, Ч. Айтматов баён килган нуктаи назар оркалигина тўгри аниглаш мумкин. Улардаги асосий образлар, марказий гоя-максадлар ривожи кишини ўзига ром эта бормайди. Шуурингизни оханрабодек банд этгувчи қаҳрамон ва талкинни кўрмайсиз. Бадиий маҳоратнинг саёзлиги туфайли асардаги хаётни унинг ичидаги туриб эмас жуда йирокда туриб кузатасиз. Бинобарин, окибатни кизикиб, берилиб, хаяжонланиб, сабрсизлик билан кутмайсиз. Асар билан локайд, осон хайрлашасиз.

Менгзиё Сафаров «Айришох» номли киссасида бугунги инсоннинг табиатга муносабатидаги кўринишларини каламга олади. Асарнинг етакчи мазмун чизигида ўрмончи Суяр Суюн ва Айришох (нар наваз — эркак бугу) образлари туради. Анчайин марокди тасвир яратилган. Тўғридан-тўғри воеалар билан хотирот-мушоҳада воеалари, одамлар турмуши, лавхалари билан бугулар, Сезгир деган ит иштирокидаги холат-ходисалар кетма-кет акс этади. М. Сафаров услубида тог, ўрмон, дала-дашт, гиёхлару жониворларни кузатишдаги теранлик диккатни тортади. Кўрикхона вакилларининг Айришохга, бугуларнинг одамларга муносабатини ёзувчи назардан кочирмайди. Бугулар «нутки», «хаёли»нинг киска, равон, дангал баён тарзи хам, қаҳрамонлар фикр-ўйларининг фалсафийлиги хам кисса мавзуи ва сюжетига ярашик. Лекин баъзан қаҳрамон кайфиятини, кечинмасини сунъийлаштириб юборади ёзувчи. Ортиқча лиризм, публицистик рух образларни хаётнийрок чизиш учун зарур ўринларни ишгол этади. Натижада айрим образлар «китобийлик»дан нарига ўтмайди.

Кўрикхона директори Раҳмат Аҳадов харакатлардамас, киска-киска тавсифларда берилгани сабабли асар охирига кадар мавхумлигича келади. Сулув сиймоси Суяр Суюн хотираси оркали яхши таассурот беради-ю, ўзга образ — Ойноввот уни тўлдиришга, давомлатишга атайлаб йўналтирилади. Атайлаб у хам фарзандсизлик азобига маҳкум килинади.

Автор замонамиздаги табиатта нисбатан вахшийликнинг шарпасига асар охиригача ишора изхор этади. Масалан, Айришох уч тарафи тог билан ўралган жойда одамлар бугулар, устига тош думалатаётган, найза санчаётган, халок бўлганларини олиб кетаётган, бугуларни тириклай кабоб килаётган суратни кўради. Инсонга ишончсизлигини она бугу тез-тез такрорлайди. Аҳадов, Суяр Суюн табиат муҳофазасизлигидан ва одамларнинг шавфкатсиз бўлиб кетганлигидан кўп нолишади. Директор хонгуллар гўзаллиги Чингизни даҳшатга согани, Чингиздан-ку омон колгани, аммо ном-нишонсиз чингизлар дастидан кирилиб кетаётганини айтади. Ёзувчи туш усулини ортиқ даражада кўллаб, яна шубхани ифода этади. Ойноввотнинг эри билан токка келган Ботирдан хавотирланиб бир гал Суяр Суюн, бир бор Ойноввот туш кўради. Охири Суяр Суюн туши «боб»га айланади. Нихоят, Ботирнинг, аслида, шундай максади пўлгани, яхншлар таассуроти туфайли аҳдидан кайтгани маълум оўлади. Етакчи образлар кайфиятидан келиб чикиб, Ботирдан шубхага асос излайди—топмайди. Ботир нега ўзгариши керак, ўзгариш содир бўляяптими — билмайди. Шунинг учун унинг Лири шохни ўлдириши мумкинлиги тўгрисидаги гумон пучга чикиши, яъни хотима ахамиятсиз кўринади.

Она-табиат неъматларининг кадрига масъуллик туйгуси Маматкул Хазраткуловнинг «Кўккўл» киссасида ўзбек Ботирнинг озор кизи Гулгунага бўлган мухаббатига хамоҳанг талкин этилади. Кардош диёр хамда унинг ажиб манзарасига, одамлари калбига эхтиром ва хавасни севги билан муштаракликда идрок этган ёзувчи бунинг хаётий эканига ишонтира олади. Бир карашда асар фактат ишкий мавзуда битилгандек. Аслида, тўла эзгулик, севгидан хам кенг гоя сўнгги сахифаларда аён бўлади: Гулгунна машхур рассомнинг кизи эмас, турмуш ўртоги экан. Ботирнинг дардини билишса-да, кадрдонларча самимият, олижаноблик намунасини кўрсатаётган Жамолзода ва Гулгунанинг, ёкимли феъл-автор эгаси Ботирнинг маънавий оламлари муаллиф меҳр

билан чизган дилбар Кўккўлнинг ўзига ўхшаб кетади. Унут бўлаётган меҳр-окибатни ўйлаймиз.

Бадиий сўзнииг йўл-йўриклари, бепоён имкониятларидан тахсил берувчи адабий назарий коида ва тушунчалар хам, китобхонларнинг илгор мушохада тарзи ва дид даражаси хам асарни баҳолаш чогида жиддий такозоларга айланади. Афсус, сўз санъатига бўлган хакикий талабларни кўпинча бирёклама, ўртамиёна, диккинафас нуктаи назарга алмаштириб юборамиз. Кўпдан буён асарларни уларнинг муаммосига, мавзуига, кайсиdir ибратли воеаси ва қахрамонига караб тавсифлаш одат тусига кирди. Бадиий санъатлар, маҳорат масаласи эътибордан четда турибди. Фойдали, олижаноб фикрдаги журъатга маҳлиё бўлиб (чунки бунга зор, чанкок эдик, хар фойдали фикрни санъаткорлик билан тасвирилашдек талабнинг ижросини эсдан чикариб кўямиз.

Ёзувчидаги ўзгаларга мухим гап айтиш истагининг (тўгрироги, дардининг) кай йўсинда амалга ошгани, не самара берганини кузатиш ўринлидир. Зеро, кўп киссанависларнинг «ўз хунарларида нўнок»лиги (Кодирий) масаланинг шу томони билан изохланади.

Навбатдаги мулоҳазани Набижон Бокийнинг «Бир мухабbat киссаси» номли киссасига каратайлик. Чорбогининг кунботарида ертўланишин яшаётган бува. Тошкентга яна бир марта бормокни, Адила рози бўлса, олиб келиб тўй килмокни хохлаётган невара. Бува унга — Жамолга бир халта олтин беради. Ўзини ўлимга маҳкум этаётган буваси, энасининг айтишича, олдин шўроларга, сўнг босмачига карши урушган, негадир «кизилларни сўкиб кўйган-у», узок камалиб келган.

Кисса марокли бошланади. Ёш ёзувчининг соддадиллиги, кискалик сари интилиши талай сахифларда сезилиб туради. Бирок эпизодларнинг баъзида мантикан саёзлиги, гоҳ сника, гоҳ ортиклилиги, қахрамонлар дунёкарашини очиш иккинчи планга тушиб колгани фазилатларни кўмиб кегади, харакатлар муштараклиги бузилади. Бунинг устига хотима арафасида бошланувчи олгов-далговлар суръатига акл бовар килмайди. Образлар табиий эмас. Харакатлар, хаёллар, туйгуларда сунъийлик билиниб туради.

Сюжет ришталарига алокасиз фикрларни асарга ўринсиз тикиштирмокдан наф борми? — «Бурчак-бурчакларда турфа хил эркаклар турфа хил хотинларнинг бўлик сонларини укалаб ўтиришарди...». «У бир карашда ижобий қахрамонга ўхшарди». Кали ўзлари киёфасига кўра бадиий тиник бўлмаган замонавий персонажларга архаик сўзлар воситасида умумлашма имо-ишоралар бermok эриш, мубхам туюлмайдими?

Шу каби барча сабаблар бирикиб мавхумлик, зўракиликни кучайтиради. Жамол, Адила ва ўзгаларнинг кимлигини, киссадан хисса ва мурод-максаднинг нималигини хис килмок мушкул, жозибасиз кечади.

Таникли адаб Тохир Маликнинг «Алвидо, болалик» асарини давримизнинг сўз саънатига дахлдор такозоларисиз изохлаш мушкул. Зеро, ёзувчининг эзгу хислат ва туйгуларнинг кўламига, камолига халал бераётган жиноятчилик фактини бадиий рўй-рост очиб ташлашга интилиши самарали бўлган.

Асрор санъатни пул топиш манбаига айлантирган отасининг, истаганча эркин, одамларни кўркитиши эвазига яшаш йўлини танлаган, камалиб чиккан Камариддиннинг таъсиrlари аро яшайди. Камариддин учун «энг катта ноҳаклик — тирик етимлик. Бошка ноҳакликлар шундан келиб чикаверади». ПТУ га мажбуран жўнатилиб, ўзини бошқаларга нокерак санаган Салим бўлса, порахўрлардан, бойваччалардан ўч олиш шаштидан сўнгги нафасигача кайтмайди. Тохир Малик шарт-шароитнинг тарбиявий ролини астойдил ифодалайди. Болаликни, умрни издан чиказадиган кабоҳат, котиллик онининг етилиш жараёнини, бунинг туб илдизини хакконий фош этади. Жиноят сабабчиларининг, айникса, Асрорнинг кечинмалари маромини авж нуктасига кадар муваффакиятли чизади. Бирозгина шаклий чўзиқликни, баъзи образлардаги юзакиликни хисобга олмаганда, «Алвидо, болалик» мавзуси, бугунги ёшлар хаётининг долзарб масаласига доирлиги, гоявий-бадиий пишиклигига кўра кимматлидир. Унда хам энг муҳим адабий вазифанинг — ўкувчини асосий фикрларга «тайёрлаш» нинг, яхлит ва кизгин жозиба хамда таассуротларни вужудга келтиришнинг бир охангда баҳолаб бўлмайдиган натижаларини кўриш мумкин.

«Литературная газета»сида Чингиз Айтматов ва жаҳонга машхур япон адаби Кэндзабуро Оэ билан сухбат босилиб, унда ёзувчи Чингиз Айтматов ўзининг швецариялик ношири билан мулокоти чогида ўттиз йил аввал ёзгани — «Юзма-юз» повестидаги, «Бўронли Едигей» романидаги маромига етмаган, рост аксини топмаган ечимларни бирданига пайкаб колганини, натижада мазкур асарларига кўшимча сахифалар, ўзгартишлар киритганини хикоя килади. Адабиёт оламининг буюк санъаткорлари тажрибасида камдан-кам учрайдиган бу ходиса «жозиба конуни»нииг етакчилик мавкеини, бадиий асар алкиссасига масъулликнинг накадар юксак талаб эканини тасдиклайди.

Бинобарин, баркамол маҳорат, нафосат, жозибадорлик насиб этган сўз санъати намуналаригана гоявий-бадиий ечимлари салмоги ва кудрати билан китобхонларга хайрат баҳшида этади. Уларнинг шуурида, тасаввурида яшайди, уларга хамиша хамнафас бўлиб колади.

Тохир Шермуродов
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1990 йил 27 апрель.